



# Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2001 yil, 7 dekabr № 49 (482)

Sotuvda narxi erkin

## 8 ДЕКАБР — ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

### МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган-лигига тўққиз йил тўлиши муносабати билан почта ва телекоммуникациялар соҳасида самарали меҳнат қилаётган ҳуқуқшунослар муносиб мукофотланди.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги хайъати қарори ва Агентлик Бош директорининг буйруғига кўра "ADOLAT KUCHI" адвокатлик фирмаси адвокати **Махмадали ТУРҒУНОВ**, "Камалак — ТВ" қўшма корхонаси ҳуқуқшуноси **Йўлдош ЖАМОЛОВ** ва "Шаҳарларро алоқа корхонаси" АЖ биринчи тоифали ҳуқуқшуноси **Зафар БОБОКУЛОВ**ларга агентликнинг "Фахрий ёрлиғи" берилди.

Мукофотлар муборак, азиз ҳуқуқшунослар!

### ХАЙЪАТДА

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг навбатдаги хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлиси Агентлик Бош директори **А. ОРИПОВ** олиб борди. Унда қатор масалалар кўриб чиқилди.

"Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение корхонасининг техник-иқтисодий аҳоли, танг ҳолатдан чиқиш ва ривожланиш истиқболлари ҳақида" корхона бошлиғи **М. Отамухамедов**, "2001 йилда ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар, илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари дастурининг бажарилиши ҳамда дастурнинг 2002 йилги лойиҳаси тўғрисида" Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори **Р. Исаев**, "Маълумотларни узатиш Миллий дастур тармоғини ривожлантириш ва қайта қуриш дастурининг бажарилиши тўғрисида" "UZPAK" маълумотларни узатиш тармоғи давлат корхонаси бош директори **М. Сангилов**, "1999-2000 йилларда ва 2001 йилнинг 9 ойи давомида "Ўзбектелеком" АК корхоналарида алоқа восита ва усқуналарини ҳисобдан чиқариш, демонтаж қилиш ишларининг бажарилиши ҳамда "Ўзбекалоқақу-

рилиш" корхонаси фаолияти ҳақида" "Ўзбекалоқақурилиш" корхонаси бош директори **Н.Норкулов**, "Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари **Э.Аллаев**, "2001 йилда Агентлик ўқув юрталарига қабул қилиш янқуналари ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг бажарилиши ҳақида" Тошкент электротехника алоқа институти ректори **С. Қосимов**, Тошкент алоқа касб-хуна коллежи директори **С. Акбаров**, "Агентлик лицензиялаш, стандартлаш ва сертификатлаш бўлимининг иш фаолияти тўғрисида" бўлим бошлиғи **Х.Соатовлар** маърузалари тингланди.

Маърузаларда корхоналарда амалга оширилган ишлар, ютуқ ва камчиликлар, муаммолар ҳусусида сўз юритилди. Шунингдек, камчиликларга йўл қўйган корхоналар ҳусусида танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилди. Айрим корхоналарда тўланаиб қолган муаммолар ечимини топиш, уларни ҳал қилиш борасида ҳам фикрлашилди.

Хайъатда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**И. АХМЕДОВ**

Ўзбекистон Республикасининг янги, мустақиллик нафаси уфуриб турган Конституциясининг қабул қилинганлигига ҳам 9 йил тўлди.

Мана, тўққиз йилдирки, мустақил республикамиз ўзининг ички ва ташқи сиёсатида бош

га оширилаётгани аён бўлди. Бундай бирлашмаларнинг ташкил қилинишига йўл қўймастик, уларга қарши биргаликда кураш олиб бориш юқоридаги модданинг мазмунини ташкил қилади. Шунингдек, ушбу модда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томо-

ролар чиқаришни кўзлаб ивгогарликлар қилишга, аҳолини кўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексига жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан

### ҚОМУСИМИЗ ВА ТУЗУМ ЯХЛИТЛИГИ

қомусимиз бўлган Конституция-миз доирасида иш олиб бормоқда. Конституция моддаларини ўқир эканмиз, ватанимизнинг суверен ҳамда ҳудудларининг бўлинмас ва дахлсизлигидан тортиб миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишио эътиқодидан қатъий назар, барча фуқароларимиз қонун ҳимоясида эканлигига амин бўламиз. Дунё ҳамжамияти томонидан Конституцияимизнинг мукамал эканлигини эътироф этилиши ҳам бежиз эмас, албатта. Шу ўринда Қомусимизнинг 57-моддасига тўхталмоқчиман.

Бу моддада "Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, irqий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, харбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади", дейилади. Шу қунларда дунёда бўлаётган воқеалар бу модданинг нақадар тўғри эканлиги, юрт тинчлиги учун ҳар доим хушёр бўлиш кераклигини таъкидлайди.

2001 йил, 11 сентябрдаги Америкада содир этилган террорчилик ҳаракатлари дунё ахлини ларзага солди. Бу ҳаракатлар узок йиллар, зимдан ва бақувват моддий-техник асосга эга бўлган ташкилий бирлашма ва партияларнинг раҳбарлиги остида амал-



нидан 2000 йил, 15 декабрда қабул қилинган "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги қонунда батафсил ёритилиб берилди. Унда терроризм қуйидагича таърифланади: "Терроризм — сиёсий, диний, мафқуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлигига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантириши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, худудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига пугур етказишга, қуролли жожа-

кўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишдир".

Бу қонунда терроризмга қарши кураш қисқа муддатли тадбир бўлмай, балки узок муддатли, халқни доимо оғохликка давлат қилувчи тадбир эканлиги уқтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил, 29-30 августда бўлиб ўтган II чақириқ 6-сессиясида қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят процессуал кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунда ҳам терроризм энг мудхш жиноят эканлиги эътироф этилиб, янги таҳрирда баён қилинган да унга нисбатан Олий жазо — ўлим жазоси сақлаб қолинди.

Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия каби қудратли давлатлар томонидан Афғонистон худудида жойлашган террорчи гуруҳларга берилётган зарбалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.Каримов**нинг баёнотини барча қатори Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги жамоалари ҳам қўллаб-қувватладилар. Негаки, терроризмга қарши кураш эълон қилган дунё ҳамжамияти билан бирга бўлиш барчамизнинг бурчимиздир.

**М. ТУРҒУНОВ,**  
**"ADOLAT-KUCHI"**  
адвокатлик фирмаси  
адвокати

Обуна - 2002

### "ХАВАР" ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

#### ЎРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Агар Сиз "Xabar"га яна обуна бўлсангиз, алоқа соҳасидаги жамийки янгиликлар, муаммолар ва диққатга сазовор масалалардан ўз вақтида хабардор бўлиб борасиз.

"Xabar" газетасига 2002 йил учун обуна давом этмоқда. Газетамизга барча алоқа бўлимларида ва газета дўконларида обуна бўлиш мумкин.

#### Нашр кўрсатқичи:

Яқка тартибдаги обуначилар учун - 227.

Ташкилотлар учун - 228.

"Xabar" газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума куни хонадонингизга кириб боришини истасангиз, тезроқ обуна бўлишга шояшлинг!

### БАХТИМИЗ КАФОЛАТЛАНГАН

Бу йил кўплаб тенгдошларим қатори мен ҳам талаба бўлиш бахтига муяссар бўдим.

Ҳуқуқимиз биз ёшларнинг ҳар томонлама ўсиб-улгайишимиз, эркин меҳнат қилишимиз, шунингдек, хоҳлаган касбни эгаллашимиз учун барча имкониятларни яратиб бермоқда. Бу борада қатор қонунлар, меъёрий ҳужжат ва дастурлар ишлаб чиқилган. Энг муҳими, буларнинг асоси Конституциямизда белгиланган бўлган.

Асосий Қомусимизнинг 41-

моддасида "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга", дейилади. Шунинг ўзиёқ юқоридаги фикрларнинг тасдиғи сифатида намоён бўлади.

Талаба эртанги кун тараққиётини давом эттирувчи шахс. Бунинг учун у бугун тинмай ўқиши, изланиши, ўз устида ишлаши, жамоат ишларида фаол бўлиши керак. Буларни амалга ошириш учун эса бизда барча шароит мўҳайё. Ушбу фикрлар Конституцияимизнинг яна бир моддасида "Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги,

маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади" каби жумлалар билан мустаҳкамланган.

Биз дунёдаги энг бахтли ёшларимиз дейишга ҳақликимиз. Чунки бизнинг ҳуқуқларимиз, демакки бахтимиз, осуда келажагимиз кафолатланган. Шундай экан, бизнинг ҳам Ватан олдидаги энг асосий бурчимиз Мустақиллигимизни асраб-авайлашдир.

**Азиза ТУРСУНОВА,**  
Тошкент электротехника алоқа институти талабаси

Бундан икки йил олдин "Бухоро Телеком" акциядорлик жамиятининг Олот филиалида Япониянинг EAX-61 русумли энг замонавий телефон станцияси ўрнатилгани ва "Буюк ипак йўли" халқаро алоқа тизимига уланганлиги натижасида туман аҳолиси дунёнинг исталган мамлакати билан телефонда боғлана олиш имконига эга бўлди. Ушбу стан-

Туман филиалига Тошкент электротехника алоқа институтининг алоқа муҳандиси мутахассислигини тамомлаган Туроб Эшонкулов бошчилик қилиб келмоқда. Ушбу касбининг устаси, юқори малакали мутахассис сифатида танилган Туроб ака бир гурӯҳ пешқадам алоқачилар қатори "Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллиги" эсдалик ни-

алоқа ходимларидан 50 нафар киши яқинда Самарқанд шаҳрида бўлиб, шаҳарнинг тарихий ва маданий ёдгорликлари, диққатга сазовор жойлари билан танишиб қайтдилар. Бунинг учун "Бухоро Телеком" акциядорлик жамияти томонидан 80 минг сўм ажратилди. Утган давр мобайнида турли тарихий саналар ва байрамлар муносабати билан 13

## АЛОҚАЧИЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

циянинг 3 мингта телефон нуқтаси бўлиб, абонентларга автоматик қайта уланганини ташкил этиш, чақирувни бошқа жойга кўчириш, "уйғотувчи соат" каби 14 та кўшимча хизмат кўрсатилмоқда.

Асосан компьютерлар ёрдамида бошқариладиган бу замонавий станция хизмат сифатининг яхшиланиб, даромадларнинг ошиб боришида муҳим омили бўлмоқда. Агар ўтган 2000 йилда туман бўйича 40 миллион 525 минг сўмлик телефон хизмати кўрсатилган бўлса, жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида бу борадаги кўрсаткич 38 миллион 586 минг сўмни ташкил этди.

Хозирда АОН ускунаси тумандаги "Шарқ юлдузи", "Зарафшон", "Гулистон", "Пахтакор", "Ўзбекистон", "Амударё", Ф. Хўжаев, А. Навоий номидаги ширкат хўжаликларида ўрнатилган бўлиб, қишлоқ аҳолисига беминнат хизмат кўрсатмоқда. Туманда бу каби техник янгилашнинг тез ва соз амалга оширишда, аҳолига ва халқ хўжалиги тармоқларига кўрсатилаётган телефон хизмати сифатининг янада яхшиланишида заҳматкаш алоқачиларнинг хиссаси салмоқли бўлмоқда.

шони ҳамда Агентликнинг "Фархрий ёрлиги" билан тақдирланди.

Жамоа аъзоларининг меҳнат интизомига қатъий риоя этаётганликлари, ўзларига ва бошқаларга талабчанликлари, берилган топшириқларни ўз вақтида бажариб келаётганликлари муваффақиятлар омили бўляпти. Хозир туман филиалида 59 киши меҳнат қилмоқда. Жамоада касбига меҳр кўйган, тажрибали алоқачилар кўп. Улардан бири 27 йилдан буён электромонтёрлик касбини эъзозлаб келаётган Жўрақул Саидовдир. Шунингдек, "Амударё", "Шарқ юлдузи", "Оқ олтин", Ф. Хўжаев номи ширкат хўжаликларида 14-18 йилдан буён ишлаб келаётган Асад Қўзиев, Райим Шоймардонов, Гофир Чориев ва Баҳром Бекмуродов сингари алоқачилар меҳнатидан миҳозлар мамнун.

Корхонада ишчиларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муҳофазалаш, уларни ва оила аъзоларини соғломлаштириш, кам таъминланган оилаларни, меҳнат фахрийларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида ҳам хайрли ишлар олиб бориляпти. Жумладан, "Оналар ва болалар йили" муносабати билан кўзда тутилган тадбирларга мувофиқ

нафар аёлга жами 45500 сўмлик, боқувчисини йўқотган болаларнинг тўрт нафарига 8000 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Биринчи марта никоҳдан ўтаётган ёшлар ҳам энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан кам бўлмаган миқдорда моддий ёрдам олмақдалар. Шунингдек, алоқа соҳасида 15 йил ишлаган аёллар учун санаторий ва дам олиш уйларига бепул йўлланма бериш йўлга қўйилган.

Иш бўлган жойда айрим камчилик, муаммоларнинг учраши ҳам табиий, албатта. Бу борада кўзга ташланиб турган муаммолардан бири дебиторлик қарзларнинг ўз вақтида узилмаётганлигидир. Тумандаги баъзи бир хўжалик, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари бу борада ўта масъулиятга эришиш ва совокликка йўл қўйиб келмоқдалар. Дебиторлик қарзларни ундиришни тезлаштириш мақсадида филиалда дебитор бўлими иш олиб борапти. Туман алоқачиларининг саяб-ҳаракатлари билан бу борада ҳам кейинги пайтда ижобий натижаларга эришилмоқда.

А. ИСТАМОВ,  
Бухоро вилояти

## АНДИЖОНДА "COSCOM" ФИЛИАЛИ

"COSCOM" қўшма корхонаси 1997 йили республика-мизда илк маротаба Самарқанд шаҳрида GSM алоқа тизимини очиб берганди. Компаниянинг бу иш фаолияти Бутун Дунё GSM Ассоциацияси аъзоси бўлишига сабаб бўлди. Шунингдек, компания мутахассислари халқаро автоматик роумингни йўлга қўйишлари натижасида Россия GSM Ассоциация операторлар тармоғига улашиш имкониятига эга бўлишди. Шу вақтдан бошлаб "COSCOM" ҚҚ ўз абонентларига халқаро автоматик роуминг хизмати кўрсата бошлади. Айни кунда компа-

ния дунёнинг 37 мамлакатига халқаро автоматик роуминг мобил алоқа хизмати кўрсатиш билан бирга республикамизнинг 21 та йирк шаҳарларида фаолият кўрсатмоқда. Яқинда мазкур қўшма корхонанин Андижон шаҳри ва Андижон вилоятида янги "COSCOM-Andijon" филиали иш бошлади. Энди андижонликлар ҳам компаниянинг GSM мобил алоқаси хизматидан фойдаланадиган бўлишди. Бу қулайлик вилоят аҳолисини бирдек хурсанд қилиши табиий.

Ўз мухбиримиз

## КҮРИК-ТАНЛОВ ҲАҚИДА

"Оналар ва болалар йили" муносабати билан Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида белгиланган тадбирлар дастурига кўра "Фарғона почтаси" АЖ ва унинг тасарруфидаги филиаллар ходимларининг фарзандлари ўртасида "Дунё болалар нигоҳида", "Она ва бола", "Онажоним - меҳрибоним" каби мавзулар бўйича кўрик-танлов ўтказилди.

Почта алоқа корхоналарида маънавият, маърифат ва қадриятни тараннум этиш, соғлом турмуш тарзини ташвиқот қилишга бағишлаб ўтказилган бу тадбир йирилганларда катта таассурот қолдириди. Тадбирда "Фарғона почтаси" АЖ директорининг ўринбосари С. Юнусов ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси А. Усмоновлар иштирок этди.

Ўз мухбиримиз

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Тошкент электротехника алоқа институти жамоаси институтининг жисмоний тарбия ва спорт кафедраси мудири, профессор **Илдар КОШБАХТИЕВ**ни муборак 60 ёши билан табриклайди. Унга соғлиқ, ишларида муваффақият ҳамда хонадонига хотиржамлик тилайди.

"Қорақалпоқ почтаси" АЖ Хўжайли филиали ҳамда бирлашган касаба уюшма кўмитаси жамоалари корхона иқтисодчиси **Раҳимжон БОЛТАБОВ**ни туғилган куни билан табриклайди. Унга узоқ умр ва ишларида муваффақиятлар тилаб қолади.



Кабелчилар бригадаси катта электромеханиги Анатолий КИМ 30 йилдан зиёд "Тошкент Телеком" АЖ Оҳангарон филиалида меҳнат қилиб келади.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

## АЛОҚА КОРХОНАЛАРИГА ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТАЁТГАН "АДОЛАТ - КУЧИ" АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ ЖАМОАСИ

республикамизнинг барга алоқачилари-ни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тўққиз йиллиги байрами билан сатиний муборакбод этади. Уларга узок умр, сиаҳат-саюматлик, оилавий хотиржамлик, мамлакатимиз равақи йқидаги шарафли ишларида қилган зафарлар тилайди.

## Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси

алоқа соҳасида теҳнат қилаётган барга шикс ходимларни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тўққиз йиллиги байрами билан қизгин қўтлайди. Уларга шикс хотиржамлик, хонадонларига қўт-баракка, юртин оבודлиги йқидаги теҳнатларига муваффақиятлар тилаб қолади.

"Импульс-С" акциядорлик жамияти шуни маълум қилдики, Тошкент шаҳри бўйича қимматли қоғозлар бозори фаолияти устидан назорат ва мувофиқлаштириш бўлими 29.06.2001 йилдаги "Импульс-С" АЖ акциядорларининг умумий йиғилиш баённомаси ҳамда Тошкент шаҳри бўйича Давлат Мулк кўмитаси бошқармасининг 30.08.2001 йил 1-381 к -ПО- сонли буйруғига асосан "Импульс-С" АЖнинг 1996 йил, 26 августдаги 14-1-187-сонли проспекти эмиссиясига қуйидаги тартибда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Акцияларни тақсимлаш тартиби	Акциялар улуши (фоиз)	Акциялар миқдори (дона)	Акциялар суммаси (сўм)
Меҳнат жамоаси аъзолари томонидан сотиб олинган оддий номдаги акциялар	8,7	243	243000
Давлат Мулк кўмитасига тегишли бўлган оддий номдаги акциялар	25	702	702000
Эркин савдо ва чет эл инвесторларига сотувга қўйилган оддий номдаги акциялар	66,3	1861	1861000

Акция пакетларининг барчаси жойлаштирилган ҳисобланади.



ДУШАНБА, 10

«Узбекистон телеканаллари»

5.30 «Рамазон тухфаси». 5.50 «Қоғош рақслари». Телефильм. 6.00 «Ассалом, Узбекистон!».

«Ёшлар» телеканаллари

Профилаксия муносабати билан душанба, 10 декабр кунин «Ёшлар» телеканаллари кўрсатувлари соат 14.55да бошланади.

14.55 Кўрсатувлар дастури. 15.00 «Давр» ҳафта ичида. 15.30 Жаҳон жўрофияси. 16.20 Спорт ҳафта-номаси. 16.35 «Заковат» интеллектуал уйини. 17.30 «Янги авлод».

«Тошкент» телеканаллари

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал: «Санта-Барбара». 18.05 «Муслиқ меймон-хона».

«Халқаро» телеканаллари

17.30 «Халқаро» телеканаллари РЖТ 7.30 - 9.00

«Узбекистон» телеканаллари

5.30 Рамазон тухфаси. 5.50 «Ассалом, Узбекистон!».

«Сешанба, 11»

5.30 Рамазон тухфаси. 5.50 Телефильм. 6.00 «Ассалом, Узбекистон!».

14.10 «Узбекистон XXI авр ёшлари». 14.35 Бадий гимнастика буйича «Соғлом авлод учун».

«Ёшлар» телеканаллари

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». 9.15 «Мультимоша».

«Тошкент» телеканаллари

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал: «Санта-Барбара».

«Халқаро» телеканаллари

17.30 «Халқаро» телеканаллари РЖТ 7.30 - 9.00

«Узбекистон» телеканаллари

5.30 Рамазон тухфаси. 5.50 «Ассалом, Узбекистон!».

«Чоршанба, 12»

5.30 Рамазон тухфаси. 5.50 Телефильм. 6.00 «Ассалом, Узбекистон!».

«Ёшлар» телеканаллари

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». 9.15 «Мультимоша».

«Тошкент» телеканаллари

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал: «Санта-Барбара».

«Халқаро» телеканаллари

17.30 «Халқаро» телеканаллари РЖТ 7.30 - 9.00

«Узбекистон» телеканаллари

5.30 Рамазон тухфаси. 5.50 «Ассалом, Узбекистон!».

«Пайшанба, 13»

5.30 Рамазон тухфаси. 5.50 «Ассалом, Узбекистон!».

Иқлим. 19.00 «Давр». 19.30 Иқтисод дастури. 19.30 ТВ-анонс. 19.40 «Давр-интервью».

«Тошкент» телеканаллари

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал: «Санта-Барбара».

«Халқаро» телеканаллари

17.30 «Халқаро» телеканаллари РЖТ 7.30 - 9.00

«Узбекистон» телеканаллари

5.30 Рамазон тухфаси. 5.50 «Ассалом, Узбекистон!».

«Жума, 14»

5.30 Рамазон тухфаси. 5.50 «Ассалом, Узбекистон!».

«Узбекистон» телеканаллари

5.30 Рамазон тухфаси. 5.50 «Ассалом, Узбекистон!».

«Ёшлар» телеканаллари

17.30 «Ёшлар» телеканаллари РЖТ 7.30 - 9.00

«Узбекистон» телеканаллари

5.30 Рамазон тухфаси. 5.50 «Ассалом, Узбекистон!».

«Тошкент» телеканаллари

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал: «Санта-Барбара».

«Халқаро» телеканаллари

17.30 «Халқаро» телеканаллари РЖТ 7.30 - 9.00

«Узбекистон» телеканаллари

5.30 Рамазон тухфаси. 5.50 «Ассалом, Узбекистон!».

Техт. «Халқаро» дастури. 18.45 «Биринчи ёшлар» мотржили бадий фильм. 19.15 «Хамшаҳарлар».

«Халқаро» телеканаллари

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Жиз ва Вустер».

«Узбекистон» телеканаллари

5.30 «Рамазон тухфаси». 5.50 «Би-бихоним».

«Шанба, 15»

5.30 «Рамазон тухфаси». 5.50 «Би-бихоним».

«Узбекистон» телеканаллари

5.30 Рамазон тухфаси. 5.50 «Ассалом, Узбекистон!».

«Ёшлар» телеканаллари

17.30 «Ёшлар» телеканаллари РЖТ 7.30 - 9.00

«Узбекистон» телеканаллари

5.30 Рамазон тухфаси. 5.50 «Ассалом, Узбекистон!».

«Тошкент» телеканаллари

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал: «Санта-Барбара».

«Халқаро» телеканаллари

17.30 «Халқаро» телеканаллари РЖТ 7.30 - 9.00

«Узбекистон» телеканаллари

5.30 Рамазон тухфаси. 5.50 «Ассалом, Узбекистон!».

Петросян тақлиф этади. Концерт дастурида. 19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?».

«Узбекистон» телеканаллари

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Жиз ва Вустер».

«Узбекистон» телеканаллари

5.30 «Рамазон тухфаси». 5.50 «Би-бихоним».

«Шанба, 15»

5.30 «Рамазон тухфаси». 5.50 «Би-бихоним».

«Узбекистон» телеканаллари

5.30 Рамазон тухфаси. 5.50 «Ассалом, Узбекистон!».

«Ёшлар» телеканаллари

17.30 «Ёшлар» телеканаллари РЖТ 7.30 - 9.00

«Узбекистон» телеканаллари

5.30 Рамазон тухфаси. 5.50 «Ассалом, Узбекистон!».

«Тошкент» телеканаллари

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал: «Санта-Барбара».

«Халқаро» телеканаллари

17.30 «Халқаро» телеканаллари РЖТ 7.30 - 9.00

«Узбекистон» телеканаллари

5.30 Рамазон тухфаси. 5.50 «Ассалом, Узбекистон!».

«Узбекистон» телеканаллари

«Узбекистон» телеканаллари

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Жиз ва Вустер».

«Узбекистон» телеканаллари

5.30 «Рамазон тухфаси». 5.50 «Би-бихоним».

«Шанба, 15»

5.30 «Рамазон тухфаси». 5.50 «Би-бихоним».

«Узбекистон» телеканаллари

5.30 Рамазон тухфаси. 5.50 «Ассалом, Узбекистон!».

«Ёшлар» телеканаллари

17.30 «Ёшлар» телеканаллари РЖТ 7.30 - 9.00

«Узбекистон» телеканаллари

5.30 Рамазон тухфаси. 5.50 «Ассалом, Узбекистон!».

«Тошкент» телеканаллари

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал: «Санта-Барбара».

«Халқаро» телеканаллари

17.30 «Халқаро» телеканаллари РЖТ 7.30 - 9.00

«Узбекистон» телеканаллари

5.30 Рамазон тухфаси. 5.50 «Ассалом, Узбекистон!».

«Тошкент» телеканаллари ва кўрсатувлар дастурида олиниди».

● Маънавият ва маърифат

### ЖАННАТНИ ИСТАСАНГИЗ...

Бир йигит пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳузурларида отасидан шикоят қилиб:

— Ё Расулulloҳ! Отам менинг молимни, бойлигимни олиб қўйди, — дебди. Расули Акрам алайҳиссалом ул йигитга:

— Бор, отангни олиб кел, — деб буюрдилар.

У йигит кетди-да, отасини бошлаб келди. Расули Акрам алайҳиссалом йигитнинг отасига дедилар:

— Ўғлингиз моли, бойлиги ҳақида сиздан шикоят қилмоқда. Айтишчи, сиз унинг моли, бойлигини олиб харж этганмишсиз.

Ота жавоб берди:

— Ё Расулulloҳ! Унинг молидан озгина аммаси, холаси ва ўзим учун сарф қилдим.

Расулulloҳ алайҳиссалом сездиларки, у одам ўғлидан қаттиқ хафа, қалбидан бир нидо келаяптир.

Шунда йигитнинг отасига: — Тилингиз ва дилингиздаги бор гапни бизга айтиб беринг, — деб буюрдилар.

Отанинг қалб нидоси:

“Ўғлим, сен онангдан мурғак бўлиб, мол-мулксиз дунёга келдинг. Ўсиб-улғайганимга қадар узоқ вақт кўп эҳтиёжларинг ва заҳматларинг менинг зиммамда бўлди. Чақалоқлигимда бир кеча қаттиқ касал бўлган эдинг, ўша тун кўзларимга уйқу келмади, мижжа қоқмадим. Сен йилганимга юрагимни эзиб юборардинг, кўзларимдан ёшлар тўкиларди. Ҳозир бўлса, сен бевафо фарзанд менинг заифлигимни тушунмайсан. Ўсдинг, улғайдинг, ёшинг ва қувватинг ортди. Энди бўлса, менга бир душманнинг ёмон ишларини қиляпсан. Оталик ҳаққимга, кишилар қўшинисига қиладиган яхшилик даражасида ҳам иш қилмайсан, меҳр кўрсатолмайсан”.

Бу қалб нидоси ота кўзидаги алам ёшлари билан айтилди. Шундан сўнг Расули Акрам (с.а.в.) барча умматларига сирдош бўлувчи ушбу ҳадиси шарифни айтдилар:

“Сенинг ўзинг ҳам, молинг ҳам отанга тегишлидирсизлар”.

Хулоса шуки, ушбу воқеадан

фақат саодатга интилганлар ибрат олишлари мумкин. Агар шундай бўлмаса, мусулмон отадан бўлган тўрт-беш ўғил бир отани боқолмай, унинг эҳтиёжларини қондиrolмай юрармидилар?

Ота якка боши билан беш-ўн ўғилни боқади, уларнинг барча эҳтиёжларини таъмин этади-ю, бу ўғиллар биргина оталарининг ҳолидан хабар олмайдилар. Ҳолбуки, ўғил ҳам отанинг бир бойлиги, аммо буни тушунадиган соодат ва ҳидоят соҳиби бўлмоқ керак!


Ота-онага қарамаслик, уларнинг сўзларига қулоқ солмаслик, уларга оқ бўлиш энг буюк гуноҳлардан биридир. Бу гуноҳ Аллоҳга ширк келтириш гуноҳидан кейин келувчи гуноҳдир. Динимизга кўра, кейин ота-она рози қилинмагунча, яъни фарзанднинг бу гуноҳини ота-онаси кечмагунча Аллоҳ кечмайди.

Агар фарзанд отасининг қалбини билмаса, унинг хоҳишларини назар-писанд қилмаса ва эҳтиёжларини таъмин этиш учун ғайрат кўрсатмаса, ота-онаси ҳаққига беш вақт намозда хайрли дуо қилиб турмаса, бундай фарзанд ота-онасининг ҳаққини адо этмаган бўлади ва охирагидан бу қилмишларидан қаттиқ сўралади.

Афсуски, хотинини деб ота-онасидан воз кечадиган фарзандлар ҳам топилди. Бундай ноқўбил одамлар дунёда ҳам охирагидан ҳам ҳузур-ҳаловат кўрмайдилар, бадбахт бўлиб қолади. Ота-онага фитр рўза ва закот берилмаслигининг ҳикмати ҳам шундаки, уларнинг ҳолларидан хабар олиб туриш, эҳтиёжларини қондириш шундоқ ҳам фарзандлар зиммасидаги мажбуриятлардир.

Ота-она фарзанднинг жаннатидир. Уларни бу дунёда мамнун эта олган, дуоларини ола билган фарзанд жаннатийдир, деганлар. Шундай экан, тирикликларидан уларнинг хизматларини қилиб, розилиklarини олиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ш.ЭРГАШЕВ тайёрлади



Бухородаги Баҳоуддин Наҳшбандий зиёратгоҳи.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

Қалдирғочларни одамлар ўзгача бир меҳр билан суядилар. Бу қора думи айри қушлар одадта айвон ва хона шифтларига уя қуриб, бола очадилар. Қузатган бўлсангиз заҳмак-каш қалдирғочлар битта ин қуриш илнжиде оғизлариде тинмай лой ташийдилар. Баъзан режалари амалга ошмай ҳам қолади. Лекин бу меҳ-

даласи, хафа бўлманг, қалдирғоч ҳам хуш кўрганниқиде бола очади”, дея эрини шаштидан туширишга уринали. Ҳеч нарсадан хабарлари йўқ беозор қушлар эса ўз полагонлари апрофила парвона бўлардилар. Нохушлик эртасига юз берди. Хўжайин ичиб келиб, қалдирғоч болаларини улоқтиради, инни бузиб,

### ҚАЛДИРҒОЧЛАР ҚАРҒИШИ

натқаш қушлар эса руҳан тушмай, бошлаган ишларини албатта ниҳоясига етказадилар. Улар ин курган уйлари одадта тинч, қолаверса, файзли деб ҳисоблаймиз. Уяни бузиб, қушларни безовта этишга ҳар ким ҳам журъат этавермайди.

#### (Бўлган воқеа)



Аммо бир танишимнинг ҳикоясини эшитпач, ҳайратим ошди, дунёда шунақа одамлар ҳам борлигига шубҳам қолмади. Унинг айтишича, қалдирғочлар қўшнисининг яқинидагина бўёқдан чиққан айвони устунига уя қуришди. Хонадон соҳиби ўша кезларда уйда бўлмаган экан. Хотини эса яхшилик аломати дея қушларни безовта қилмаган. Вақти-соати билан хўжайини уйга келади, товланиб, ҳар қандай одамнинг кўзини қамаштирадиган нақшли гулларга маҳдиё бўластган уй соҳибининг купилмаганда фиғони атрофини тутиб кетади. Қушлар эса бу даргазаб хўжайиннинг қаҳридан беҳабар полагонларига тинмай емиш таширдилар. Газаб отига минган уй соҳиби бўёқларга, устасарга минг-минг пул сарфлаганини вақ қиларкан, оила аъзоларининг дилини сиёҳ қилади. Шунда ваэмингинга хотини: “Кўйинг

бўёгини ювиб, асл ҳолига келтиради. Ана шундан кейингина бироз кўнгли тўлиб, тунд чехраси ёришгандек бўлади. Уй бекаси ҳам, қушларни севиб қолган болалар ҳам отанинг бу қаттич хатти-ҳаракатидан ранжиганларини яширолмайдилар. Ҳовлини чир айланиб учиб юрган қалдирғочлар эса полагонларини қидириб чийиллашарди. Шийлон панасида бир зум кўниб ўтиргач, яна ноумид бўлиб учиб кетшарди. Бу ҳол бир неча кун такрорланади.

Дунёнинг ишларини қарангки, бир кун қаттиқ шамол кўтарилиб, усталар омонат қоққан тунуқалар ҳар томонга учиб кетди. Шамол авжига чиқиб, кучли ёмғир ёғди, у бир зумда селга айланди. Дақикалар ичида бугун шийлоннинг тепасидан шалдираб сув оқа бошлади. Ёмғир кўз очиб-юмгунча ял-ял товланиб турган нақшларни ювиб юборди.

Танишим ҳикоясини тутатар экан, шундай дейди: “Бу воқеадан кейин қўшним ақлдан озими-йўқми билмайман-у, аммо қалдирғочларнинг ҳам қарғишларига ишонгим келди”.

М.БОТИРОВ

### БУ — ҚИЗИҚ!

• Дунёдаги энг кўп топилмоқлар тўлланган жой Венгриянинг Печ шаҳридаги музей архивидадир. У ерда 120 мингта топилмоқ сақланади. Уни Ласло Мандони исмли этнограф олим 25 йил давомиде тўллаган. IV асрда лотин тилида ёзилган топилмоқ улар орасида энг қадимийси ҳисобланади.

• Британиялик заргар Пол Качински дунёдаги энг қиммат ва ғаройиб тухум ихтирочисидир. У 6 минг соат астойдил меҳнат қилиб, антика олтин тухум ясади. Тухумнинг атрофи 20 минг дона қимматбаҳо рангли тошлар билан безатилиб, ичига бир неча жуда кичик китобчалар жойлаштирилган.

• Энг биринчи газета Венецияда XVI аср бошлариде пайдо бўлган. Бу ердаги маддох ва жарчилар хабарларни оқ қоғозга тош босма билан босиб, бадийи безаб, сота бошлаганлар. Дастлаб бундай қоғозлар бир газета — “бир танга” (Венеция пул бирлиги) турган. Бора-бора бу сўз оммалашиб, маэкур нашрлар газета номини олиб кетган.

• Дунёдаги энг ширин китоб Япониянинг нашриёт фирмаларидан бириде чиқарила бошлади. Бу китоб варақлари ширин ҳамирдан ясалган ва пиширилган бўлиб, у 3-7 бетдан иборат рисола шаклида чиқади. Унинг маэаси ширин-тахирроқ бўлиб, организм учун зарарсиздир. Қоришма таркиби хозирча сир тутилмоқда.

МУАССИС:  
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:  
Шодмон  
ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:  
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ  
Шухрат ЖАББОР  
Анатолий КУДИНОВ  
Иззат АҲМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Мирғўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Қуролбой ТЎЛЕБОВ  
Ёкубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК  
КЕНГАШИ:  
Саидмаҳмуд АҚБАРОВ  
Шоҳруҳ АҚБАРОВ  
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ  
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Бобоҳон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,  
Тошкент-35, А. Толстой  
кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:  
136-36-42, 136-35-29,  
144-29-09.  
Факс: 136-36-42.  
ИНДЕКС: 64600  
ЖУМА КУНЛАРИ  
ЧИҚАДИ

Тахририятга келган қўл-ёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақоладаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-3139.  
4482 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.  
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК  
КОМПАНИЯСИ  
БОСМАХОНАСИ.

Манзили:  
Тошкент шаҳри,  
«Буёқ Турон» кўчаси,  
41-уй.

Босишга топширилди — 18.00  
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6

### ЯХШИ КУЛГАН ~ ЯХШИ ОДАМ

Кувноқлик — инсоннинг буюк хислати.

Яхши кулган одам — яхши одам.

Ф.ДОСТОЕВСКИЙ

Фақат теран қалб эгасиғина мулоим ва ёзилиб кула олади.

Н.ГОГОЛ

Вақтичоғлик гумбази остиде ёвузликдан бўлак ҳамма нарса гул очиши мумкин.

ЖАН ПОЛ

Яхши кулги руҳий соғломликнинг энг муҳим белгисидир.

М.ГОРЬКИЙ

Хушчақчақ одамнинг бугуни ҳам, эртаси ҳам кувноқ ўтади.

Кулги одамшинавандаликдир.

Ҳазил — катта куч. Ҳеч нарса одамларни бир-бирига чинакам, беозор кулгидек яқинлаштиролмайди.

Л.ТОЛСТОЙ

Токи одамлар кувноқ эканлар, улар бардамдирлар.

Ж.ЛЕББОК

Ҳазил — кўнгилни тубсиз жарликдан олиб ўтади ва ўзининг аламини унча менсимасликка ўргатади.

Л.ФЕЙЕРБАХ

Ҳазил ҳаёт уммонидаги кўтқариш чамбаридир.

В.РААБЕ

Хурсанд одамга бугун олам кувноқ кўринади.

И.ГЕТЕ